

**Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг  
2018-2023 йиллардаги фаолияти юзасидан  
МАЪЛУМОТНОМАга  
17-ИЛОВА**

**Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг  
2021 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан  
Тафтиш комиссияси томонидан ўтказилган текширув  
ДАЛОЛАТНОМАСИ**

2022 йил 06 июнь

Тошкент шаҳри

АСОС: Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси тафтиш комиссияси (бундан кейин Тафтиш комиссияси) раиси С.Джураевнинг 2022 йил 30 майдаги 4-ТФ-сонли буйруғи.

Текширув тафтиш комиссияси раиси С.Джураев, аъзолари С.Розиков, Ш.Суванов, Т.Саматов ва Т.Садиновлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси (бундан кейин Адвокатлар палатаси) раисининг биринчи ўринбосари Ш.Садиқовнинг оғохлигида ҳамда бош бухгалтер Ш.Усмонов иштирокида тақдим этилган ҳужжатлар асосида ўтказилди.

Текширув бошланди: 2022 йил 30 май

Текширув тамомланди: 2022 йил 06 июнь

Адвокатлар палатасининг 2020 йил 31 декабрь кунигача молиявий-хўжалик фаолияти тафтиш комиссияси томонидан текшириб чиқилган (2021 йил 02 июлдаги Далолатнома).

Бундан ташқари, Адвокатлар палатасининг 2021 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувидан ўтказилган (2022 йил 29 апрелдаги аудиторлик хулосаси).

Мазкур текширувда Адвокатлар палатасининг 2021 йил 1 январь кунидан 2021 йил 31 декабрь кунигача бўлган даври тўлиқ ва 2022 йилдаги айрим молиявий-хўжалик фаолияти текширувдан ўтказилди.

Текширилаётган давр ичида Адвокатлар палатасида биринчи имзо қўйиш ҳуқуқи билан Шухрат Шавкатович Садиқов раиснинг биринчи ўринбосари лавозимида 2019 йил 25 январдан ҳозирги вақтга қадар ишлаб келмоқда (2018 йил 26 ноябрь 10-ум-сон буйруқ).

Иккинчи имзо қўйиш ҳуқуқи билан 2010 йил 19 август кунидан ҳозирги вақтга қадар Шерзод Азамович Усмонов бош бухгалтер лавозимида ишлаб келган.

Адвокатлар палатасининг устави Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 декабрь куни 689п-сон билан қайта давлат рўйхатиغا олинган бўлиб, Адвокатлар палатасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли **Палата** ҳисобланади (*устав ва гувоҳнома нусхаси илова қилинади*).

Уставга кўра, Адвокатлар палатасининг манзили: Тошкент шаҳар, Буюк ипак йўли кўчаси, 471-уй.

ХХТУТ бўйича асосий фаолият коди – 98200.

ИФУТ бўйича асосий фаолият коди – 94990.

Адвокатлар палатаси 2009 йил 12 январда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида рўйхатга олинган ва унга 200553651-сонли солиқ тўловчининг идентификацион рақами берилган.

Палатанинг банк реквизитлари:

Ҳисобварағи: 2021 2000 7005 0226 1001

«Ўзсаноатқурилиш банки» Тошкент шаҳар минтақавий филиали,

Банк коди: 00424

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ижро этувчи органи –

Бошқарув (бундан кейин Бошқарув)нинг 2021 йил 9 июлдаги 10-сон қарорига мувофиқ, Адвокатлар палатасининг ташкилий тузилмаси ва штатлар жадвалига ўзгаришлар, яъни баъзи штат бирликлари қисқартирилган ҳамда штатлар жадвалидаги штат бирлиги 30 нафарга тенг бўлган.

Адвокатлар палатасида 2022 йилнинг 31 май ҳолатига 30 нафар ходим бўлиб, улардан 15 нафари ўриндошлик асосида, қолган 15 нафари эса асосий иш ўрни бўйича меҳнат фаолиятини олиб бормоқда.

Адвокатлар палатаси нотижорат ташкилот бўлиб, ўз фаолиятини адвокатлар томонидан тўланадиган кириш ва аъзолик бадаллари ҳамда қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа тушумлар ҳисобидан молиялаштириб боради ва фақатгина мақсадли харажатларни амалга оширади.

Адвокатлар палатасида бухгалтерия ҳисоби «1С-Бухгалтерия» дастурида юритилган ҳамда зарурий бошланғич ҳисоб ҳужжатлари ва бухгалтерия ҳисоби регистрларининг қоғоздаги нусхалари тайёрланган.

### Текширишда қуйидагилар аниқланди:

Бошқарувнинг 2020 йил 25 декабрдаги 7-сон қарорига асосан, Адвокатлар палатаси ва унинг ҳудудий бошқармаларининг 2021 йил учун харажатлар сметаси тасдиқланган бўлиб, унга кўра Адвокатлар палатаси Марказий аппаратининг харажатлар сметаси қуйидагилардан иборат:

иш ҳақи фонди – бир ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 420 баробари, бир йилда эса 5 040 баробари, яъни бир йиллик миқдори **1 267 560 000,00** сўмни ташкил этган;

иш берувчининг ажратмалари (12% ижтимоий солиқ) – бир ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 50,40 баробари, бир йилда эса 604,80 баробари, яъни бир йиллик миқдори **152 107 200,00** сўмни ташкил этган;

бошқа харажатлар учун – бир ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баробари, бир йилда эса 1 200 баробари, яъни бир йиллик миқдори **301 800 000** сўмни ташкил этган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси раисига Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ва унинг ҳудудий бошқармаларининг таъминоти учун йил давомида йил якунидаги базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 000 (икки минг) баравари, яъни **540 000 000** сўм ( $2\,000 * 270\,000$ ) миқдорида харажат қилиш ваколати берилган.

Шунингдек, 2021 йилда Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ва унинг ҳудудий бошқармаларини моддий-техник базаларини модернизация қилиш, Адвокатлар палатаси ҳисобидан ўқув тарғибот материаллари, брошюралар, буклетлар тайёрлаш ва/ёки нашр қилиш, вакиллик харажатлари ва тадбирлар ўтказиш билан боғлиқ бошқа харажатлар учун **1 000 000 000 (бир миллиард)** сўм миқдоридаги пул маблағи ажратилган.

Адвокатлар палатасининг ҳисобварағида 2021 йилнинг бошига **1 560 051 507,11 (бир миллиард беш юз олтмиш миллион эллик бир минг беш юз етти)** сўм **11 тийин** миқдорида пул маблағи мавжуд бўлган.

2021 йил давомида Адвокатлар палатасининг ҳисобварағига жами **3 923 822 857,18 (уч миллиард тўққиз юз йигирма уч миллион саккиз юз йигирма икки минг саккиз юз эллик етти)** сўм **18 тийин** миқдоридаги пул маблағи келиб тушган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

1-жадвал

ТУШУМ МАҚСАДИ	СУММА (сўм)
Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармасига 2016 йилда таъмир учун берилган маблағдан қурувчи томонидан олинмаган маблағ қайтарилди	1 419 150,00
Адвокатлар палатаси томонидан ўтказилган халқаро конференция иштирокчиларига миллий хунармандчилик совғаларини тайёрлатиш учун тўланган маблағ кейинчалик Адлия вазирлиги томонидан қопланганлиги сабабли қайтарилди	27 000 000,00
Ҳомийлик маблағлари	20 450 000,00
Ҳудудий бошқармалардан келиб тушган аъзолик ва кириш бадаллари	3 874 953 707,18
<b>ЖАМИ ТУШУМ</b>	<b>3 923 822 857,18</b>

Аъзолик ва кириш бадалларини ҳудудлар кесимида тушуми қуйидагича:

2-жадвал

т/р	Ҳудуд номи	Йил давомида келиб тушган бадаллар миқдори
1	Андижон вилояти	157 709 652,00
2	Бухоро вилояти	37 184 477,00
3	Жиззах вилояти	4 072 816,82
4	Қашқадарё вилояти	117 938 473,00
5	Қорақалпоғистон Республикаси	1 255 157,66
6	Навоий вилояти	0,00
7	Наманган вилояти	55 562 834,00
8	Самарқанд вилояти	383 029 771,00
9	Сирдарё вилояти	176 878,90
10	Сурхондарё вилояти	14 293 365,77
11	Тошкент вилояти	175 762 087,55
12	Тошкент шаҳри	2 684 633 173,08
13	Фарғона вилояти	230 485 756,07
14	Хоразм вилояти	12 849 264,33
	<b>ЖАМИ</b>	<b>3 874 953 707,18</b>

2021 йил давомида Адвокатлар палатаси ҳисобидан жами **3 089 313 662,17** (уч миллиард саксон тўққиз миллион уч юз ўн уч минг олти юз олтмиш икки) сўм **17 тийин** миқдорида харажат қилинган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

3-жадвал

Харажатлар мақсади	Ҳисобварақдан сарфланган (сўм)
Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларга (пластик ва нақд)	1 078 705 737,90
Даромад солиғини тўлашга	145 097 492,92

Ижтимоий солиқни тўлашга	152 413 959,22
ШЖБПХ га ажратмани тўлашга	1 195 277,73
Ходимларнинг аризаларга асосан касаба уюшмасига ўтказилди	12 701 163,25
Асосий воситаларни харид қилиш учун	446 941 760,00
Канцелярия моллари ва ТМЗ ларни харид қилишга	21 399 760,00
Электр-энергияси учун	44 500 000,00
Табиий газ учун	19 000 000,00
Совуқ сув ва канализация хизмати учун	3 000 000,00
Чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизмати учун	2 682 052,13
Дарахт шохларини кесиб бериш хизмати учун	248 777,70
Телефон алоқа хизмати учун	3 000 000,00
Газ тақсимлаш ускунаси (ГРП) га профилактик хизмат кўрсатиш учун	3 279 924,30
Онлайн ўқитиш платформасини ишлаб чиқиш учун	5 000 000,00
Е-ХАТ ва Е-IJRO дастури таъминоти билан боғлиқ харажатлар учун	671 540,00
Теленамойишлар хизмати учун	312 000,00
Ходимларни суғуртаси учун	687 957,98
Интернет провайдерлик хизмати учун	1 380 000,00
Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги хизмат сафарлари билан боғлиқ харажатлар учун ходимларга тўланган	49 585 466,03
ЎзРАП Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси бошлиғи М.Рахимовнинг хизмат сафари харажатлари қоплаш учун	3 581 303,04
Адвокатлар палатасига ташриф буюрувчи меҳмонлар ва турли тадбирлар доирасида фойдаланиш мақсадида миллий ҳунармандчилик маҳсулотларидан иборат совғалар (лаган ва ҳ.к.) тайёрлатиш учун	12 350 000,00
Ҳудудий бошқармаларни молиялаштириш учун	478 704 268,76
Ҳудудий бошқармаларга оргтехника воситаларини сотиб олиш учун	218 253 900,00
Аванс китобчасини тўлдириш учун (конверт ва марка учун)	10 000 000,00
Автотранспорт воситасини техник кўриқдан ўтказиш учун	54 000,00
Конвертация учун (Португалия ва Франция)	45 178 598,20
Корпоратив карточкани тўлдириш учун	144 000 000,00
Маъмурий бинога жалюзи пардалар сотиб олиш учун	25 514 500,00
Газ ўлчагич ускунасига GPRS модуль олиш учун	1 500 000,00
Ходимнинг иш ҳақи унинг ҳаётини узоқ муддатли суғурта қилиш учун ўтказилди	51 994 630,00
Ходимларнинг иш ҳақи ҳисобидан контракт пули	52 941 531,00
Шартномалар бўйича тўловлар (Усталар, ўқитувчи)	21 059 368,00
Адвокатлар палатасининг 2020 йилдаги молиявий фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш учун	11 000 000,00
Маъмурий бинодаги кондиционерларни таъмирлатиш ва ўрнатиш хизмати учун	12 910 000,00
Банк харажатлари	8 468 694,01
<b>ЖАМИ ХАРАЖАТЛАР</b>	<b>3 089 313 662,17</b>

Йил якунига 2019 йилда ўтказилган халқаро тадбир бўйича Самарқанд шаҳрига саёҳатни ташкиллаштирган “SILK TOUR” МЧЖ туристик ташкилотининг **2 880 000 сўм** миқдорида Адвокатлар палатасига қайтариши керак бўлган маблағи мавжуд.

Бошқарувнинг 2020 йил 25 декабрдаги 7-сон Қарорининг 3-банди учинчи қисмига кўра, 2021 йилда Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ва унинг ҳудудий бошқармаларини моддий-техник базаларини модернизация қилиш, Адвокатлар палатаси ҳисобидан ўқув тарғибот материаллари, брошюралар, буклетлар тайёрлаш ва/ёки нашр қилиш, вакиллик харажатлари ва тадбирлар ўтказиш билан боғлиқ бошқа харажатлар учун **1 000 000 000 (бир миллиард) сўм** миқдоридаги пул маблағи ажратилган бўлиб, ушбу маблағ доирасида жумладан қуйидаги харажатлар амалга оширилган:

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ва унинг ҳудудий бошқармаларини моддий-техник базаларини модернизация қилиш учун жами – **349 734 660 сўм**, шундан **218 253 900 сўми** ҳудудий бошқармалар учун.

Адвокатлар палатаси Бошқарувининг 2021 йил 9 июлдаги 10-сон Қарорининг 3-бандига кўра, Португалия Республикаси Брага шаҳрида 2021 йил 21-25 сентябрь кунлари юристлар ўртасида футбол бўйича ўтказилиши режалаштирилган V Lawyers Cup кубогида Ўзбекистонлик адвокатлар билан биргаликда иштирок этувчи Адвокатлар палатаси вакилларига уларнинг хизмат сафарлари ҳамда ташкилий тайёргарлик билан боғлиқ харажатлари учун Адвокатлар палатаси ҳисобидан **20 000 000 (йигирма миллион) сўм** миқдоридаги пул маблағи ажратилган.

Ушбу мақсадларда ҳомийлардан ҳам Адвокатлар палатасининг ҳисобварағига пул маблағлари келиб тушган бўлиб, Адвокатлар палатаси жамоасини турнирда рўйхатга олиш ва тузар жой харажатлари учун 2 602,40 евро (**33 747 923,20 сўм**) миқдоридаги пул маблағи турнир ташкилотчиларига тўлаб берилган. Лекин, Адвокатлар палатаси жамоаси виза билан боғлиқ масалалар сабабли турнирда иштирок этмаган, ҳозирда тўланган пул маблағини қайтариш чоралари кўрилган.

Бошқарувнинг 2021 йил 19 ноябрдаги 11-сон Қарорининг 1-банди биринчи қисмига кўра, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси марказий аппаратида хизмат мақсадларида фойдаланиш учун KIA K5 русумли енгил автотранспорт воситасини амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сотиб олиш ва уни расмийлаштириш билан боғлиқ харажатлар учун Адвокатлар палатаси ҳисобидан **310 000 000 (уч юз ўн миллион) сўм** миқдоридаги пул маблағи ажратилган.

Бошқарувнинг 2021 йил 25 декабрдаги 12-сон Қарорининг 1-банди билан ушбу қиймат **340 000 000 (уч юз қирқ миллион) сўмга** ўзгартирилган, 24.11.2021 йилда “ROODELL” масъулияти чекланган жамияти билан тузилган KS01-5354-сонли шартномага асосан **328 900 000 сўмга** юқоридаги автотранспорт воситаси хизмат мақсадлари учун сотиб олинган ва 02.02.2022 йилда Адвокатлар палатасига етказиб берилган.

Бошқарувнинг 2021 йил 19 ноябрдаги 11-сон Қарорининг 1-банди иккинчи қисмида, Адвокатлар палатаси томонидан 2010 йилда сотиб олинган Lacetti русумли хизмат автотранспорт воситаси моддий ва маънавий жиҳатдан эскирганлигини, уни ишчи ҳолатда сақлаб туриш харажатларининг ортиб кетаётганлигини инobatга олиб, ушбу автотранспорт воситасини мустақил баҳоловчи томонидан баҳоланадиган нархда сотиш йўли билан Адвокатлар палатаси ҳисобидан чиқарилиши белгиланган.

Шу сабабли, Lacetti русумли хизмат автотранспорт воситасини баҳолатиш учун мустақил баҳоловчи бўлган “TANLIL VA VANO” масъулияти чекланган жамияти

билан 16.03.2022 йил куни умумий қиймати **1 000 000 сўмлик** ТВ-125/22-сонли шартнома имзоланган. Ушбу ташкилотнинг 24.03.2022 йил кунидаги ҳисоботида асосан Ласетти русумли хизмат автотранспорт воситаси қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олмаганда **37 237 000 (ўттиз етти миллион икки юз ўттиз етти минг) сўмга** баҳоланган.

Адвокатлар палатаси раисининг 2022 йил 05 апрелдаги 1-ум-сон буйруғига асосан, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасига тегишли бўлган ЛАСЕТТИ русумли, Т/В тури ЕНГИЛ (седан), 2010 йилда ишлаб чиқарилган, двигатель №1685071, кузов №ХWB5M31BDAA023747, шасси № рақамсиз, ОҚ (Белый) рангли, давлат рақамли 01 532 NJA бўлган енгил автотранспорт воситаси фуқаро NORBAYEV NURALI PAYZIYEVICHга қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олганда **42 822 550 (қирқ икки миллион саккиз юз йигирма икки минг беш юз эллик) сўмга** сотиш йўли билан Адвокатлар палатаси ҳисобидан чиқарилиши кўрсатилган.

Юқоридагиларга асосан, 2022 йил 12 апрель куни нотариус орқали барча зарурий хужжатлар расмийлаштирилган ҳолда Адвокатлар палатасига тегишли Ласетти автотранспорт воситаси фуқаро NORBAYEV NURALI PAYZIYEVICHга 42 822 550 сўмга сотилган ва 5 585 550 сўм миқдоридagi қўшилган қиймат солиғи солиқ органига ўтказиб берилган.

Адвокатлар палатаси Бошқарувининг 2022 йил 3 июндаги 14-сон Қарорининг 4-бандига асосан юқоридаги ҳаракатлар Адвокатлар палатаси мулки ҳамда пул маблағларини тасарруф этишда мақсадли деб топилган.

Адвокатлар палатаси ҳисобидан йил давомида ҳудудий бошқармаларга иш ҳақи, ажратмалар ва бошқа харажатлар учун ўтказиб берилган маблағлар (тасдиқланган смета бўйича) қуйидагича бўлган:

4-жадвал

т/р	Ҳудудий бошқарма	Йил давомида ўтказилган маблағи миқдори
1	Бухоро вилояти	1 976 358,00
2	Жиззах вилояти	72 772 013,68
3	Қорақалпоғистон Республикаси	74 064 799,53
4	Навоий вилояти	123 642 491,85
5	Наманган вилояти	40 342 894,00
6	Сирдарё вилояти	82 946 834,13
7	Сурхондарё вилояти	77 107 471,66
8	Хоразм вилояти	5 851 405,91
	<b>ЖАМИ</b>	<b>478 704 268,76</b>

**Хорижий давлатларга амалга оширилган хизмат сафарлари юзасидан:**

2021 йил давомида хорижий давлатлар томонидан киритилган таклифларни инобатга олиб, Адвокатлар палатаси раисининг буйруқларига асосан Адвокатлар палатаси ходимлари Ўзбекистон Республикаси ташқарисига хизмат сафарига юборилган ва уларнинг хизмат сафарлари билан боғлиқ бўлган харажатлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2015 йил 19 октябрдаги 92-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар ходимлари Ўзбекистон Республикаси ташқарисига хизмат сафарига юборилганда хизмат сафари харажатлари учун маблағлар бериш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ белгиланган миқдорга Адвокатлар палата Бошқарувининг 2019 йил 28 декабрдаги 3-сон Қарорининг тўққизинчи бандида кўрсатилган миқдорларда

устамалар кўшиш доирасида қоплаб берилган:

Жумладан, Қирғизистон Республикасининг Бишкек шаҳрида 2021 йилнинг 30 сентябрь куни Т.Сатылганова номидаги Қирғиз Миллий филармониясида бўлиб ўтган Қирғизистон Республикаси Адвокатураси адвокатларининг II Съездида иштирок этиш учун Адвокатлар палатаси раисининг 2021 йил 27 сентябрдаги 11-хс-сонли буйруғига асосан А.Эрназаров ва Г.Сайфиевалар 2021 йил 29 сентябрь - 4 октябрь кунлари Қирғизистон Республикасининг Бишкек шаҳрига хизмат сафарига юборилган, ушбу хизмат сафари учун Адвокатлар палатаси ҳисобидан қуйидаги харажатлар амалга оширилган:

Тошкент – Олмаота – Бишкек – Тошкент йўналишига авиачипта сотиб олиш учун **8 214 842 сўм.**

Яшаш ва суткалик харажатлари учун жами – **9 172 429,75 сўм.**

Россия Федерацияси Москва шаҳрида 2021 йил 12-13 октябрь кунлари “Golden Palace” комплексида “Адвокатлик фаолиятининг салбий трансформациялари” мавзусида бўлиб ўтган конференцияда иштирок этиш учун Адвокатлар палатаси раисининг 2021 йил 06 октябрдаги 12-хс-сонли буйруғига асосан А.Эрназаров ва Д.Саидовлар 2021 йил 11-14 октябрь кунлари Москва шаҳрига хизмат сафарига юборилган, ушбу хизмат сафари учун Адвокатлар палатаси ҳисобидан қуйидаги харажатлар амалга оширилган:

Тошкент – Москва – Тошкент йўналишига авиачипта сотиб олиш учун – **9 441 478 сўм.**

Яшаш ва суткалик харажатлари учун жами – **9 456 430,20 сўм.**

Франция Республикасининг Париж шаҳрида 2021 йилнинг 27-31 октябрь кунлари юристлар ўртасида футбол бўйича ўтказилган Tournoi de Paris - International Lawyers Cup by Mundiavocat кубогида иштирок этиш учун Адвокатлар палатаси раисининг 2021 йил 25 октябрдаги 13-хс-сонли буйруғига асосан қуйидаги таркибда делегация (жамоа) тузилиб ва 26-31 октябрь кунлари хизмат сафарига юборилган:

Аслиддин Ахтамович Махаммадиев – Адвокатларни касбий тайёрлаш департаменти бошлиғи (делегация раҳбари);

Шерзод Азамович Усмонов – бош бухгалтер;

Мухиддин Абдухалимович Рахимов – Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси бошлиғи;

Адвокатлар:

Азиз Захидович Файзиев;

Уктам Туранбаевич Кадиров;

Шерали Шарофович Сафаров;

Ботиржон Алобидинович Сатторов;

Уткир Асадуллаевич Гафуров;

Сиёвуш Бахтиёрович Рахматов;

Киличев Окил Ахрорович;

Умиджон Тошпулатович Авезов.

Буйруққа асосан жамоанинг Франция Республикасидаги тадбир билан боғлиқ ташкилий харажатлари учун Адвокатлар палатаси ҳисобидан 17 650 800 сўм ажратилган, қолган харажатлар эса ҳомийлик маблағлари ҳисобидан амалга оширилган.

Ушбу мақсадлар учун Адвокатлар палатаси ҳисобидан ажратилган маблағдан 14 576 400 сўм ва ҳомийлик маблағлари ҳисобидан 9 217 600 сўм, жами **23 794 000 (йигирма уч миллион етти юз тўқсон тўрт минг) сўм** миқдоридаги пул маблағи делегация аъзоси Ш.Усмоновга вакиллик харажатлари сифатида ўтказиб



берилган, бу маблағ 29.10.2021 йил куни Францияда ташкилотчига терминал орқали иштирокчиларнинг тўлови сифатида тўлаб берилган.

Ушбу хизмат сафари учун Адвокатлар палатаси ҳисобварағидан қуйидаги харажатлар амалга оширилган:

5-жадвал

Харажат мақсади	Жами микдори	Шундан	
		Адвокатлар палатаси ҳисобидан	Ҳомийлик маблағлари ҳисобидан
Жамоани рўйхатдан ўтказиш бадали	900 евро ёки 11 317 500 сўм	244 евро ёки 3 068 300 сўм	656 евро ёки 8 249 200 сўм
Ҳар бир иштирокчи учун тўлов* (бир кишига 340 евродан, жами 3 740 евро)	1 900 евро ёки 23 794 000 сўм	1 164 евро ёки 14 576 400 сўм	736 евро ёки 9 217 600 сўм
Суткалик харажатлар (А.Махаммадиев, Ш.Усмонов ва М.Рахимовлар учун)	864 евро ёки 10 743 909 сўм	864 евро ёки 10 743 909 сўм	
Жами	3 664 евро ёки <b>45 855 409 сўм</b>	2 272 евро ёки <b>28 388 609 сўм</b>	1 392 евро ёки <b>17 466 800 сўм</b>

\* Транспорт харажатлари, яшаш харажатлари ва ҳар бир иштирокчи учун тўловнинг қолган қисми (3 740 – 1 900 = 1 840 евро) тўлиқ делегация аъзолари ҳисобидан амалга оширилган.

Адвокатлар палатаси томонидан хорижий давлатлар билан боғлиқ хизмат сафарлари харажатларини тўлаш жараёнида барча зарурий ҳужжатлар тўлиқ расмийлаштирилган.

### **Ҳисобланган иш ҳақи ва ундан ажратмалар (солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар)**

2021 йил давомида Адвокатлар палатаси томонидан 32 нафар ишчи ходимларга ойлик иш ҳақи ҳисобланган бўлиб, шундан ўриндошлик асосида ишлаганлар 15 нафарни ташкил этган.

2021 йил давомида ходимларга ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар **1 155 781 471 сўм**, **112 990 000 сўм** мукофот пуллари ва Адвокатлар палатаси раисининг фармойишларига асосан ходимларга **102 128 000 сўм** моддий ёрдам берилган.

Ходимларга тўланган тўловлардан ҳисобланган даромад солиғи – **144 298 952 сўм** бўлиб, шундан бюджетга – **143 096 461 сўм**, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига ажратма эса – **1 202 491 сўм**ни ташкил этган.

Иш ҳақи фондидан ижтимоий солиқ – **152 252 576 сўм**ни ташкил этган.

Бундан ташқари, тегишли шартномаларга мувофиқ Адвокатлар палатасида таъмирлаш ишларини олиб борган фуқаролар ва лотин ёзувидан дарс берган ўқитувчига хизмат ҳақи сифатида **23 931 100 сўм** ҳисобланган бўлиб, улардан даромад солиғи сифатида **2 871 732 сўм** ушлаб қолиниб, солиқ органига ўтказиб берилган.

### **Касса юритиш тартиби бўйича**

Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1999 йил 19 октябрда ЭГ/17-19-2075-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (19-сонли БХМС) “Инвентарлашни ташкил этиш ва ўтказиш” (1999 йил 2 ноябрь, рўйхат рақами 833-сон) талаблари асосида Адвокатлар

палатаси раисининг 2017 йил 4 декабрь 19-ф-сонли фармойиши билан Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасида пул маблағлари, бойликлар ва қатъий ҳисобдаги бланкларни инвентарлаш учун доимий асосда ишловчи комиссия тузилган.

Адвокатлар палатасида 2021 йил давомида нақд пул билан умуман муомала қилинмаган.

2022 йилнинг 06 июнь куни ҳолатига Адвокатлар палатасининг кассасида нақд пул қолдиғи мавжуд эмас.

**Адвокатлар палатасида мавжуд асосий воситалар бўйича**

Адвокатлар палатасида 2021 йил 31 декабрь кунига кўра мавжуд асосий воситаларнинг бошланғич қиймати – **2 203 175 098,45 сўмни** ташкил этган (*Асосий воситалар бўйича ҳисоботлар илова қилинади*).

Адвокатлар палатасида мавжуд асосий воситалар ва товар-моддий бойликлар санокдан ўтказилганида ҳеч қандай камомад ва ортиқчаликлар аниқланмади.

Асосий воситалар моддий жавобгар шахсларга қабул қилиш-топшириш далолатномалари орқали бириктирилган.

Асосий воситаларга ўз вақтида белгиланган тартибларга кўра эскириш ҳисобланиб борилган.

2021 йил якунига Адвокатлар палатаси ҳисобварағидаги пул маблағининг қолдиқ қисми **2 394 560 702,12 (икки миллиард уч юз тўқсон тўрт миллион беш юз олти миш минг етти юз икки) сўм 12 тийинни** ташкил этган.

Текшириш далолатномаси 2 (икки) нусхада тузилди ва бир нусхаси Адвокатлар палатасида, бир нусхаси эса Тафтиш комиссиясида сақланади.

Тафтиш комиссияси раиси

С.Джураев

Тафтиш комиссияси аъзолари

С.Розиков

Ш.Суванов

Т.Саматов

Т.Садинов

*Далолатнома билан танишиб, бир нусха олдик*

Адвокатлар палатаси раисининг  
биринчи ўринбосари

Ш.Садиков

Бош бухгалтер

Ш.Усмонов

